

УР

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

18
(1024)-son

4-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ахборотлашган жамият

Алоқа соҳаси жамият тараққиёти билан тенгма-тенг, ёнма-ён ривожланиб келган. Йиллар давомида бу соҳа жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолди, ҳозирда эса ҳар қачонгидан муҳимроқ ўрин тутмоқда. Инсоният цивилизациясининг илк намуналари намоен бўла бошлаган даврдан бошлаб алоқа воситалари яшаш шароитлари ўзгариши, маданият ва техниканинг ривожланишига қараб мукамаллашиб борди. Бугун атрофингизга бир назар солинг: кунингизни алоқа воситаларисиз, ахборот технологияларисиз ўтказишингиз осонми? Уларсиз ҳаётингизни тасаввур қила оласизми? Бир кун телефонда гаплашмасангиз, телевизор кўрмасангиз ёки радио эшитмасангиз, интернетдан фойдаланмасангиз ўзингизни жамиятдан узилиб қолгандек ҳис эта бошлайсиз. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси шу даражада турмушимизга сингиб кетган.

3-бет



Сўнги янгилик!

Fujitsu компанияси смартфонлар камераси учун стереоскопик видео (уч ўлчамли) олувчи махсус қурилма ишлаб чиқди.

Қурилма ичида "мини-кўзгу" тизими жойлаштирилган бўлиб, унинг ёрдамида тасвир икки оқимга ажратилади. Ёзиб олинган маълумотлар Fujitsuning тармок "булут"га юборилса, махсус алгоритмлар ёрдамида тасвирдаги ғализликлар тўғриланади ва 3D-ролик шакллантирилади. Натيجаси фойдаланувчига қайта жўнатилади.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

BestSoft Uzbekistan 2012 дастури	2
Мукофотлар муборак!	3
Состояние и дальнейшее развитие доменной зоны "UZ"	6
АКТдан фойдаланиш дарс самарадорлигига эришишнинг муҳим омили	11
Соғлом оила — жамият таянчи	15
Байрам кутловлари	17-24

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов 1 май куни Оксаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари — элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлигини қабул қилди. Ислам Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриқлаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти" мавзуда конференция ўтказилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Хотин-қизлар қўмитаси, Молия секторини ривожлантириш агентлиги ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари фонди билан биргаликда "Молия соҳасидаги билимларни ошириш — Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омили" мавзуда халқаро конференция ташкил этилди.

Пойтахтимизда "Фонд форум", "Хаёт учун!" миллий уюшмаси, Сюзен Комен номидаги кўрак беги саратонига қарши кураш фонди (АҚШ) ҳамда "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган "Хаёт учун!" шиори остидаги форум-марафоннинг якуний тадбири бўлиб ўтди. Анъанага мувофиқ, тадбирдан тушган маблағ беморларнинг руҳий-ижтимоий реабилитацияси ҳамда мазкур хасталикни кечиктирмай аниқлашга мўлжалланган бепул акцияларга сарфланиши кўзда тутилган.

Қозғоғистон Республикаси
нинг Остона шаҳрида ўтказилган 46-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этган ўқувчи ёшларимизнинг беш нафари **голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.** Академик лицей ўқувчилари Ҳамидулло Тўхтаев олтин, Суннатилло Облоёров ва Равшан Олмосов кумуш, Азиза Холқова ҳамда Нодиржон Баҳодировлар бронза медаллари билан тақдирланди.

Яқинда Белгиянинг Гент шаҳри Маданият марказида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Фландрия сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси (VTB) томонидан Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбирда шаҳар эриясини, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда сайёҳлик агентликлари вакиллари қатнашди.

Ижро интизоми доимий масъулиятни талаб қилади

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев бошқарди.

Ишда юқори сифат ва улкан ютуқларга эришиш, белгилаб олинган режа ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш ижро интизомига қатъий риоя қилишни талаб қилади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан жойлардаги таркибий бўлинмаларда ижро интизоми, иш юритиш ҳолати муттасил ўрганиб борилади, аниқланган камчилик ва муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича зарур вазифалар белгилаб олинди ва доимий назорати юритилади. Ҳай'атнинг навбатдаги йиғилишида ҳам "Агентликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Агентликнинг Ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи А.Каримов батафсил ахборот берди.

Ахборотчи режага асосан жорий йилнинг 10-14 апрел кунлари Агентликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасида, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ушбу вилоятдаги қуйи таркибий бўлинмаларида ижро интизоми, иш юритиш ва ижро назорати, раҳбарий ҳужжат талабларининг бажарилиши ўрганилганлигини маълум қилди. Йиғилиш-

да Агентликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси, "Ўзбектелеком Интернетшнл" МЧЖ ҚҚ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали, Самарқанд вилояти махсус алоқа боғламаси, "Ўзбектелеком" АҚ "Телекоммуникация Транспорт Тармови" филиали 4-боғламаси ва А.Пушкин номидаги Самарқанд вилояти АҚМда мазкур соҳадаги камчиликлар таҳлил қилинди.

Кун тартибидеги иккинчи масала бўйича "Дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан жойлардаги таркибий бўлинмаларда ижро интизоми, иш юритиш ҳолати муттасил ўрганиб борилади, аниқланган камчилик ва муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича зарур вазифалар белгилаб олинди ва доимий назорати юритилади.

томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида" Агентликнинг Дастурий махсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи З.Раҳматуллаев маълумот берди. Йиғилишда ушбу масала атрофича муҳокама қилинди ва дастурий таъминот индустриясини ривожлантириш юзасидан тегиш-

ли вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Радио-частоталар бўйича Давлат комиссияси раисининг ўринбосари А.Гатаулина "2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-12) якуний ақтларини амалга ошириш ва 2015 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-15)га тайёргарлик кўриш тўғрисида" ахборот берди. Ахборотчи 2012 йилги Радиоалоқа ассамблеяси (АР-12) ва 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси (БРК-12) иши ва натижалари, АР-12 ва БРК-12да республика делегациясининг иштироки натижалари, республика учун устувор бўлган масалалар бўйича БРК-12 қарорлари тўғрисида ва "2012 йилги Радиоалоқа ассамблеяси Резолюцияларини ва 2012 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси Якуний ақтларини амалга ошириш ҳамда 2015 йилги Радиоалоқа ассамблеяси ва 2015 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик кўриш режаси" ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда, шунингдек, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонасининг жойлардаги аниқ рўсумдаги узаттичларининг ҳолати ва уларни такомиллаштириш тўғрисида"ги масала юзасидан "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК техник директори Б.Обидов сўзга чиқиб, "РТМ" ДУКнинг жойлардаги аниқ рўсумдаги узаттичларининг ҳолати, уларни такомиллаштириш ва эксплуатацияси масалалари тўғрисида ҳамда муаммо ва камчиликлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида маълумот берди.

Ҳай'атда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

BestSoft Uzbekistan 2012 дастури

Шу йилнинг 15-17 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университети ҳудудида "BestSoft Uzbekistan 2012" анъанавий дастурий махсулотлар миллий кўرғазмаси ва Алоқа тарихи музейида дастурчиларнинг миллий форуми ўтказилди.

Олти йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган BestSoft Uzbekistan 2012 кўрғазмаси ва форумида кенг жамоатчилик ва мутахассисларни мамлакатимизда дастурий таъминот соҳаси ва лойиҳаларни ташкил этиш ҳамда жорий қилиш тажрибаси билан таништирувчи кенг миқёсдаги тадбирлар қамраб олинган.

"BestSoft Uzbekistan" анъанавий дастурий махсулотлар миллий кўрғазмасини ўтказишдан асосий мақсад куйидагилардан иборат:

- дастурий таъминот соҳасида муваффақиятли лойиҳалар тақдимотини ўтказиш;

- софтвер саноати учун мутахассисларни тайёрлаш соҳасида таълим жараёнларини фаоллаштириш;

- мамлакатда дастурий таъминот соҳасининг институционал жараёнлари ҳамда унинг ривожланишига норматив-ҳуқуқий томондан қўмаклашиш.

Кўрғазмада мамлакатимиз софтвер саноатидаги энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалар намойиш этилади. Миллий форум эса дастурий махсулотлар ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасидаги энг етакчи мутахассисларни тўплади. Улар соҳадаги энг сўнгги натижалар ҳақида маълумот бериш билан бирга, ўзаро тажриба алмашишда, мастер-класслар, тақдимотлар ва ўқув

BestSoft . 2012

UZBEKISTAN

2011, 2010, 2009, 2008, 2007 ...

семинарларини ўтказишда.

Кўрғазмада 50дан ортиқ компаниялар иштирок этиш кутилмоқда. Кўрғазма стендларининг умумий майдони 500 кв. метрни ташкил этади. Кўрғазма секторларининг асосий таркиблари куйидаги йўналишларда бўлади: Дастурлаш воситалари; Лойиҳаларни амалга ошириш; Таълим; Ахборот хавфсизлиги; Мултимедиа, дизайн ва бошқалар.

2012 йилги кўрғазма дастури тизим қўриниш олган. Унинг доирасида кўплаб семинарлар, мастер-класслар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади. Кўрғазма якунида куйидаги йўналишларда голибларни тақдирлаш маросими ўтказилади:

- Дастурий махсулот — йил маркаси
- 2012 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа
- АТ-таълим соҳасидаги энг яхши компания
- Энг яхши инновацион компания
- Дастурий махсулот йўналишидаги энг яхши талабалик иши
- Коллеж ва лицей ўқувчиларининг энг яхши дастурий лойиҳаси

Шунингдек, бир қатор кўнгилочар тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Батафсил маълумот: www.bestsoft.uz

Мукофотлар муборак!

7 май — Алоқачиларнинг касб байрами нишонланиши муносабати билан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори бўйруғига биноан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаолият юритаётган, шунингдек, мамлакат иқтисодиди ва соҳанинг ривожланишига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшиб келаётган Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассасалари ҳамда мобил алоқа операторларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан бир гуруҳи мукофотландилар. Жумладан:

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Бондод тумани ТБ катта муҳандиси Абдувахоб Арзиқуллович НАЗАРОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали Янгиқиллоқ почта алоқаси тармоғи "Қаробол" алоқа бўлими бошлиғи Улаш Усмонович ХЎРОЗОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Қорақалпоғистон РТУМ Манғит РТС 2-тоифали муҳандиси Парахат Исмаилович КАМАЛОВлар **"МОХИР АЛОҚАЧИ"** фахрий унвони билан;

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Наманган шаҳар ТБ 226-ЭАТС кросси катта электромеханиги Шукриносса Раҳмановна ВАЛИЕВА, "Ўзбектелеком" АК "Billing Telekom" филиали дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи Валерий Степанович КАРИЧЕВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали Қўшқўпир почта алоқаси тармоғи бошлиғи Отабой Мадаминович ОТАЖОНОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали Каттақўрғон шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Дилором Сирожовна ТАИРОВА, ТАТУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси Фотима Носировна ШИРИНОВА, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Тошкент РТУМ "Чорвоқ" РТС етакчи муҳандиси Хусниддин Шайдинович ТОЛИПОВ, Давлат алоқа инспекцияси Бухоро вилояти ДАИ бошлиғи Бешим Мадиевич РАДЖАБОВ, "Электроманит мослашув маркази" ДУК Сирдарё вилояти ЭММХ 1-тоифали муҳандиси Эркин Исақджанович МАСАИТОВ, "UNICON.UZ" ДУК криптография илмий-тадқиқот бўлими етакчи илмий ходими Махмуда Хуснуddиновна НА-

ЗАРОВА, ОАТ "Алоқабанк" ҳисоб амалиётлари бўлими бош мутахассиси Икром Анварович ОЛИМБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси ижроия дирекцияси бўлим бошлиғи Абдуҳаким Халилович КАРИМОВ, "Алском" ОАЖ СК Марказий филиали директори Евгений Рудольфович КИМ, "ЎзТТБРМ" ДУК телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўлими етакчи муҳандиси Мархаб Раҳматуллаевна НИШАНБАЕВА, "Uzinfocom" маркази ДУК меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш гуруҳи етакчи мутахассиси Шахноза Абдуғаниевна АБДУВОХИДОВА, "Ўздунробита" МЧЖ тармоқ инфраструктурасини яратиш бўлими бошлиғи Алишер Ёлқин ўғли ШОНАЗАРОВ, "Юнител" МЧЖ Ахборот технологиялари дирекцияси бошқарув ахборот ва ҳисоботлар бўлими бошлиғи Светлана Владимировна ЛЕНСКАЯ, "Coscom" МЧЖ Жамоат ташкилотлари ва давлат корхоналари билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Нусрат Талатович ИСХАКОВ, "Rubicon Wireless Communication" МЧЖ бош бухгалтери Мирка Гергевна ИВАНОВАлар Агентликнинг **"ФАХРИЙ ЁРЛИГИ"** билан;

"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали Мирзаобод тумани ТБ 6-разряд электромонтёри Кирман ФАХРАТОВ, "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали Шайхонтохур тумани ТБ техник ҳисобга олиш гуруҳи муҳандиси Рафаил Юсуфович САБИРЗЯНОВ, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали транспорт бўлими ҳайдовчиси Файзулла Нарзуллаевич НАРЗУЛЛАЕВ, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали

Кумқўрғон тумани ТБ кабел-пайвандчиси Равшан Қурбонович САДАТОВ, "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали 2-боғламаси ишлаб чиқариш техник лабораторияси етакчи муҳандиси Насиба Рўзमतовна ДАДАЖОНОВА, "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали капитал қурилиш бўлими бошлиғи Махаматжон Абдуназарович ҚОРАЧАЕВ, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали Томди тумани ТБ бошлиғи Байназар Доспанбетович ҚАРБАЕВ, "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонали ривожлантириш маркази" филиали компания жараёнлари, ресурслари ва тизимини ривожлантириш хизмати бошлиғи ўринбосари Марат Муратович КАРИМОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали Денов тумани почта алоқаси тармоғи "Патос" алоқа бўлими почтачиси Чори Мамадалиевич БЕКМУРАТОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғи сугурта бўлими почтачиси Турсунбой Аладдинович МАМАДИНОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали АКТ бўлими муҳандиси Одил Озодович СУНАТОВ, "Матбуот тарқатувчи" АК Қорақалпоғистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" ШК Тўрткул филиали бошлиғи Гулам Тангрибергенович АЛЛАБЕРГЕНОВ, ТАТУ "Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиция тизимлари" кафедраси ассистенти Бибиражоб Насимовна НАСРУЛЛАЕВА, ТАТУ Қарши филиали "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси Фаёжон Қозожонович ҚОРАЕВ, ТАТУ Урганч филиали "Информатика ва математика" кафедраси катта ўқитувчиси Зумрад Йўлдошевна ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК иқтисод бўлими бошлиғи Баҳодир Қазимович АБИДОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Тошкент РТУМ ультра-қиска тўқинлар цехи смена бошлиғи Махмуд Абдуқалхарович РАСУЛОВ, "Радиоалоқа,

радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Андижон РТУМ "Қўқон" РТС муҳандиси Бахтиёр Махсудович ТОШҚЎЗИЕВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Бухоро РТУМ "Бухоро" РТС цех бошлиғи Ҳасан Жўраевич БОЛТАЕВ, "Махсус авария-тиклаш бошқармаси" (15361-сон ҳарбий қисм) ўта муҳим ва тоифаланган иншоотларни қўриқлаш алоҳида отряди команда бошлиғи Абдуманноп Абдурахмонович АЗИМОВ, Давлат фелдъегерлик хизмати фелдалоқа катта офицери Тохиржон Ҳасанович МУСАЕВ, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК махсус тошириқлар бўйича фелдъегери Равшан Раҳматович УБАЙДУЛЛАЕВ, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази Наманган вилояти минтақавий бўлими бош мутахассиси Рустамхон Рашидович ХАФИЗХОНОВ, Республика ахборот-кутубхона маркази Хоразм вилояти Ахборот-кутубхона маркази ахборот технологиялари бўлими мудири Дилбар Сабуровна РУЗМЕТОВА, ОАТ "Алоқабанк" Амалиёт бошқармаси пул муомаласи ва жағғарма амалиётлари бўлими Жағғарма амалиётлари шўъбаси етакчи мутахассиси Дина Наилевна ШАГИЕВА, "Uzinfocom" маркази ДУК меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш гуруҳи бош мутахассиси-бошлиғи Дилдора Нигматджановна АКРАМОВА, "Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази" МЧЖ техник кўмак бўлими мутахассиси Дилором Абдурашитовна АБДУРАЗАКОВА, "TELMAX ELECTRONIKS" МЧЖ катта муҳандиси Ўқтам Саидахматович НАРБАЕВ, "Гранит" ИИЧК етакчи муҳандис энергетиги Матлубжон ИБОДОВ, "Алоқалойиха" ДУК Радиореле линиялари ва радиоалоқа бўлими етакчи муҳандиси Доноҳон Абдукадыровна РАХМАТИЛЛАЕВАлар **"ЎЗ КАСБНИНГ УСТАСИ"** белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз алоқачилар!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Қадимда хабарлар узоқ масофаларга товуш ва ёруғлик орқали узатилган. Кабиладолларини хавфдан огоҳ этишда ёки оғва чорлашда овоз чиқаришдан фойдаланганлар. Кейинчалик оловдан хабар етказишда фойдаланила бошланган. Олов орқали хабар узатиш — биринчи тизимли алоқа воситаси эди. Ҳамон юртимизнинг турли ҳудудларида ораллиги бир неча километрдан иборат тизимли тепаликлар мавжуд. Шу тепаликлар устида кечаси олов орқали, кундузи эса тугун орқали хабар узатилган. Бунинг учун доим қуруқ ва ҳўл ўтин сақланган. Бу усул бир неча асрлар давомида бутун дунё бўйлаб тарқалган энг оммабоп алоқа воситаси эди. Археологлар қадимги Римда, Буюк Хитой деворларида, Троя жанги кечган тоғ қояларида хабар тарқатувчи олов изларини топишган. Бугунги жамият қанчалик тараққий тошган бўлмасин, ахборот технологиялари қанчалар жадал ривожланиб бораётган бўлмасин, ҳамон асрлар давомида қўлланилган алоқа воситалари технологияси яшаб келмоқда. Биргина мисол: замонавий шаҳарларда йўловчиларнинг ҳам, ҳайдовчиларнинг ҳам тақдири "хабар

Ахборотлашган жамият



берувчи оловлар" — светофорлар ҳуқида. Ёруғлик ва овоз — хабар етказишнинг энг биринчи ва муҳим воситаси сифатида ҳамон сақланиб турибди.

Қадимги Африка ва Америка аҳолиси хабарларни барабанларнинг овозлари орқали бир-бирларига етказиб туришган. Чалинган овозлар турлича бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси тегишли хабардан огоҳ этган. Масалан, душманларнинг ҳужумидан огоҳлантириш зарбидан тортиб, қабил бошлиғи ўғил ёки қиз фарзанд қўрганини билдирувчи алоҳида маъноли овозлар чиқарилган.

Ёзув ихтиро қилинганидан сўнг хабарларни хатлар орқали етказиш усули оммалашди. Бунда чопарлардан тортиб, кабутарларгача алоқачи вазифасини

бажарар эди. То темир йўл тармоқлари тараққий тошмагунча чопарлар тармоғи ўз кучини йўқотмаган. Чопарларнинг ҳам худди темир йўлдаги каби маълум манзилда бекатлари бўлган, у ерда чопарнинг ўзи ёки от-уловини алмаштириш имконияти яратилган.

Ўрта асрларда зотдор, яхши ўргатилган "почтачи" кабутарлардан кенг фойдаланилган. Уша даврда бундай кабутарларнинг нархи от ва сигирлардан қиммат турган. Хабар етказишнинг қиймати қанчалик аҳамиятли эканига шу аниқ далил эмасми?!

Бугун қундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган алоқа воситаларининг бундай аҳамиятини бирда ҳис этсак, бирда эътибор бермаймиз. Почта тар-

моқларининг йўлга қўйилиши ва тараққий этиб бориши, телеграф, телефон ва радионинг ихтиро қилиниши, мобил телефон ва интернетнинг, рақамли ва нанотехнологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши узоқ йиллик давр ва шу соҳа вакилларининг тинимсиз изланишларини тақозо этди. Алоқа соҳасининг аҳамияти ва уни тараққий топтириш йўлидаги изланишларни йўналишни шу даражада юқори чўққига олиб чиқдики, бутун ҳар биримиз бевосита шу соҳа вакилига айланиб қолдик. Қайси касб эгаси бўлишимиздан, ёшимиздан қатъи назар энг камида мобил телефон орқали кимгадир СМС-хабар етказамиз. Демак, қайсидир маънода ҳар биримиз хабарчимиз, алоқачимиз. Шу соҳанинг чинкакам заҳматкашлари ўзларининг оламшумул меҳнатлари эвазига бизни, ҳаётимизни шу даражада олиб чиқдики. Демак, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси вакилларига қўшиб, барча-барчани алоқачилар касб байрами билан табрикласак бўлади. Байрамингиз муборак бўлсин!

Лутфилло ТУРСУНОВ

Xalqaro haqot



Венгрия парламенти ўтган ҳафтада евродепутат Янош Адерни мамлакат президентлигига сайлади.



Мамлакат бош вазири Виктор Орбан Адернинг номзодини юқори лавозимга 16 апрел куни тақдим этганди. Синхуа агентлиги хабар тарқатишича, бир палатали мамлакат парламенти 386 нафар депутати-дан 262 нафари Адерни ёқлаб, 40 нафари унга қарши овоз берган.

АҚШнинг Савдо ваколатхонаси муаллифлик ҳуқуқларига қарши курашиш ёмон йўлга қўйилган мамлакатлар рўйхатини эълон қилди.

Интеллектуал мулкни ўзлаштиришга қарши етарлича чора кўрилмаётган Россия ва Хитой сўнгги йилларда бу рўйхат қарвонбошиларига айланишган. Энг кўп ҳавотирга сабабчи бўлаётган 13та мамлакат қаторидан, шунингдек, Украина, Канада, Аргентина, Хиндистон, Жазоир, Чили, Индонезия, Исроил, Покистон, Таиланд ва Венесуэла ўрин олган.

Хиндистоннинг Ассом штатида дарё паромининг ҳалокати 105 кишининг умрига зомин бўлди. 100дан ортиқ одам бедарак йўқолган.

Сўнгги маълумотларга кўра, паромда жами 350 киши бўлган. Паромнинг ҳалокатига ноқулай об-ҳаво сабабчи бўлгани айтилмоқда.

Токио марказидаги Еегу боғида кўп минг кишилик намойиш ўтказилди.

Намойишчилар ўтган йилги цунамидан жабр кўрган ҳудудларни тезроқ тиклаш ва янги иш ўринлари барпо этиш, мамлакатдаги барча атом станцияларини ёпиш ва ижтимоий ҳимояни қучайтириш каби талабларни илгари суришган.

Боливия электр тақсимлаш тармоқлари давлат ихтиёрига ўтди. Мамлакат президенти Эво Моралес Transportadora de Electricidad SA компаниясини миллийлаштириш тўғрисидаги декретга имзо чекди.

TDEнинг 99,94 фоиз акцияси ҳукумат назоратига ўтди. Шу пайтгача TDE Испаниянинг Red Elctrica корпорациясига қарашли эди.

Мексика фукароси Карла Ванесса Перес дунёдаги энг кўп эгизак фарзандли аёл бўлишга яқин турибди. Маҳаллий маъбуотнинг хабарларида ёзилишича, у тўққизта эгизакка ҳомилдор бўлган.



Келгуси ойда аёлнинг кўзи ёриши кутиляпти. Бўлажак онанинг ёши ва яшаш жойи сир тутиляпти.

S.Pellegrino World's 50 Best Restaurants аънъанавий йиллик рейтингини эълон қилди.

Учинчи йилдирки, Даниянинг Noma ресторани биринчи ўринга сазовор бўлмоқда. Иккинчи-учинчи ўринларда — Испаниянинг El Celler de Can Roca ҳамда Мугаритз ресторанилари. Етақчи бешликка, шунингдек, Бразилиянинг D.O.M. ва Италиянинг Osteria Francescana ресторани киритилган.

Москванинг "Варвары" ресторани бу йил етақчи элликлдан тушиб қолган.

Қаттиқ дисклар: ўчиришни унутманг!

Буюк Британиянинг Ахборот хавфсизлиги бўйича бошқармаси ўтказган тадқиқотларга кўра, иккиламчи бозорда харид қилинаётган хар ўнинчи қаттиқ дискда олдинги эгасининг шахсий маълумотларини учратиб мумкин. Тадқиқот учун рошпа-роса 200та диск турли манбалар: eBay аукционидан, эски техника билан савдо қилувчи кичик дўкон ва расталар ҳамда шунга ўхшаш ҳар хил сайтлардан йинилди.

Уларнинг 11 фоизда шахсий маълумотлар сақланиб қолган. Камида иккита дискдаги маълумотдан эса банкдаги ҳисоб-рақамини ўғирлашда бемалол фойдаланиш мумкин.



Мазкур идора илгари ҳам шунга ўхшаш тадқиқотни мобил телефонларда ўтказганди. Унда ҳам худди шундай хулосалар келиб

чикқанди. Аниқланишича, 21 фоиз фойдаланувчи эски планшетни ёки смартфонини ташлаб юбормасдан, қайта сотишни афзал билади. Биринки сўм ишлайман деб жуда катта таваккалчиликка қўл ураётганини кўплар хаёлига келтиришмайди. Ўзига пухталар эса сотишдан аввал аппаратдаги маълумотларни ўчириб ташлашни унутишмайди.

Биз шахсий ва корпоратив маълумотлар муҳим аҳамиятга эга замонда яшаймиз, — дейди Британия ахборот комиссари Кристофер Грэм. — Одамлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар бегоналар кўлига тушиб қолмаслиги учун сергак бўлишлари лозим.

Электр лампочкаси 20 йил ишлайди!

АҚШда Халқаро Ер кунига атаб энергияни тежовчи 20 йил бетиним ишлаб берувчи махсус лампочкалар сотувга чиқарилди. Электр лампочкалари Philips компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, ёруғлик диоди толаларининг ноодатий шакли лампанинг ёрқин ва бир текис нур сочишига хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш керакки, бу лампочкалар анчагина қиммат — 60 доллар. Бироқ Philips билан имтиёзли келишувга эга айрим дўконлар лампочкаларни харидор-

ларга 20 доллардан сотиш имкониятига эга.

Philips лампочкалари АҚШ энергетика вазирлиги ўтказган "Порлоқ келажак" танловида ғолиб чиқди. Танлов иштирокчиларига одатдаги 60 ваттлик лампочкалар ўрнига улардан ҳам тақомиллашган шаклини ишлаб чиқиш вазифаси тошпирилган.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги кунгача АҚШ, Европа ва Россияда 100 ваттлик лампочкаларни тайёрлаш тақиқланган бўлиб, жорий йилдан эътиборан Европа ва АҚШ-



да 60 ваттлик лампочкаларни чиқариш ҳам тўхтатилади, 2014 йилдан эса АҚШда 40 ваттдан юқори қувватли лампочкаларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш режалаштирилган.

АТ-хабарлар



Наноматериаллардан фойдаланиш инсон саломатлиги, атропо-муҳит учун безарқит? Беш йил давомида бу борада тадқиқот олиб борган хитойлик олимлар аниқлашди, масалан, алюминий оксиди наноматериали бактерияларнинг дориларга бардошлилигини оширишга сабабчи бўларкан.

"Мазкур кашфиёт бактерияларнинг доривор воситаларга бардошлилигини ҳамда наноматериалларнинг хавфсизлигини тадқиқ қилиш соҳасида ўзига хос янгилик бўлди. Огоҳ бўлайлик! Наноматериаллардан нотўғри фойдаланиш атропо-муҳит ва экологик тизимга жиддий таҳдид солиши ва бундай ашёларни ноўғри қўллаш оқибатда бактерияларнинг дори воситаларига чидамлилиги ошишига сабабчи бўлиши мумкин", — дейилади Хитой Фанлар Академияси баёнотида.



Расмий маълумотларга кўра, хар йили жаҳон бўйича пештахталарда туриб қолган тахминан 10 фоиз мева-сабзавот ташлаб юбориларкан. Мазкур муаммага ечим сифатида Массачусетс технологиялар институтининг кимё факултети сенсор экранли қурилма ишлаб чиқди. Унинг ёрдамида сотувчилар ўз махсулотларининг сифатини мунтазам текшириб туришади.



Янги қурилма жуда оз миқдордаги этиленни, яъни ўсимликнинг етилишига хизмат қиладиган газни аниқлаш имконини беради. Махсулотни етказувчи мева-сабзавот жойлаштириладиган қутиларга қиммат бўлмаган оддий датчиклар ўрнатади, сотувчилар эса сканер орқали хар бир қутидаги меванинг пишганлик даражасини аниқлашади. Шу тарзда, сотувчилар қайси бир қутидаги мева ёки сабзавотни биринчи гада сотиш кераклигини осонгина билиб олишади.



Хиндистон ҳукумати мобил алоқа хизмати учун лицензиялар баҳосини 11 баравар оширгач, Норвегиянинг Telenor компанияси мазкур бозордан кетиши мумкинлигини маълум қилди.



Telenor Хиндистондаги фаолиятига тахминан 140 млрд. хинд рупийи (2,7 млрд. доллар) кўринишида сармоя киритган бўлиб, 40 млн.дан ортиқ мижозга эга. Сал аввал ҳам инвесторлар компанияга Хиндистонда фаолият кўрсатиш ўзини оқламаслигини важ қилиб, бу ердаги фаолиятини тўхтатиш таклифини киритишганди.



Microsoft корпорацияси Хитойнинг икки ахборот технологиялари компаниясини Microsoftнинг кўчирма дастурий махсулотидан фойдаланганликда айблаг судга берди. Корпорация қонунбузарлардан 10 млн. юан (1,6 млн. АҚШ доллари) миқдорда жарима ундирмоқчи.



Пекинда фаолият кўрсатувчи Ming Wan Zhi Da Technology Co. Ltd. ҳамда Ming Wan Information Technology Co. Ltd. компаниялари биргалликда бир неча веб-сайтни юриштидан ташқари, кичик ва ўрта бизнес учун электрон тижорат ечимлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Раҳбарлар малака оширишяпти

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси 2012 йилнинг 3-5 май кунлари "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиалида "Матбуот тарқатувчи" АК ҳудудий филиаллари раҳбарлари ва марказий ашарат ходимлари малакасини ошириш мақсадида "Самарали менежмент ва кадрлар сиёсати — компания тараққиёти гаровидир" мавзусида ўқув курси ташкил этди.



ривонинг 2011 йил асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар", "Меҳнат интизоми ва меҳнат қонунчилигини амалда қўллаш тартиби", "Инновациялар маркетин-

ги, инновация тараққиёти — компания равнақи асоси", "Замоनावий менежмент асослари. Раҳбарнинг мавқеи. Ходимларнинг ички мавқеи — компаниянинг стратегик ресурси" мавзуларида маърузалар ташкил этилиши келажақда ўзининг ижобий самарасини беришини айтиб ўтди.

Санжар РАҲМОНОВ

Ўқув курси машғулотларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш.Атамухамедов қириш сўзи билан очди.

У ўз сўзида мазкур ўқув курси давомида раҳбарлар учун "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Ка-

Телекомдаги туркман қизи

Ўшанда айни баҳор фасли эди. Гулшод вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи ҳузурига кириб, жамоада ишлаш иштиёқи борлигини айтди. Унинг, туркман қизи бўлишига қарамасдан, ўзбек ва рус тилларида бемалол сўзлаша олиши ҳамда ҳар иккала тилда беҳато ёниши раҳбарга маъқул бўлди.

Кўп ўтмай ҳонага корхона кадрлар бўлими бошлиғи кириб келди. Олимжон Эшонов унга одатдагидай ҳазиломуз гап қотди:

— Охунжон Мадалиевнинг "Узун кўйлак туркман қизга уйланами" деб бошланувчи кўшиғини эшитганмисиз?! Бўлим бошлиғи қутилмаган саволдан ўнгайсизланди, шекилли, бир оздан сўнг "Ха" маъносига бош ираб қўйди.

— Унда билиб қуйинг, ўша кўшиққа айланган қиз қаршингизда ўтирибди?! Ҳонада ҳушқайфият улашувчи қулги кўтарилди. Сўнгра Олимжон ака қўлидаги имзо қўйилган қорозни бўлим бошлиғига тутқазаркан: — Бу қизимиз эртадан бошлаб ишга қабул қилинди, ҳужжатларни расмийлаштиринг, — деди.

Янги ходима тез орада жамоага сингиб кетди, қўлэмаларни гоҳ ўзбек, гоҳ рус тилида оққа кўчириб берар, асло чарчадим демасди. Шу тарзда ҳаммаслари қаторидан ўз ўрнини топди ва ҳурмати қозонди. Мустақиллик туфайли бошланган ислохотлар алоқа соҳасига ҳам кириб келди. Хорватия ва Индонезия мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари акс этган ҳужжатларни оққа кўчириш Гулшоддан тежорлик ҳамда кўп қувват талаб этарди. Ҳаммасига улгурди, бирон марта танбех олмади.

Бир куни "Сурхондарё Телеком" филиалининг электралоқа бўлими бошлиғи Хушвақт Келдиёров унга Тошкент алоқа коллежида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни маслаҳат берди. Аввалига икки фарзанд билан ўқиб бўлармиди деб, рўйхушлик бермади. Аммо жамоа йўлланмаси билан ўқиш имтиёзларини билиб олгач, онаси Ашургул опа ҳамда турмуш ўртоғи билан маслаҳатлашди.

Тақлиф сабаб туғилган истакка, айниқса, онаси бажонидил қўшилди. Сухбат чоғи синглиси Гавҳар ҳам кўнглидаги ниятни баҳам кўрди.

— Опа, корхонамиз кадрлар бўлими бошлиғи Мағлуба Исмонова менга ҳам ўқишни маслаҳат берди. Келинг, бирга борайлик.

Опа-сингил нияти амалга ошди. Улар Тошкент алоқа коллежини бир вақтда битиришди. Бунинг учун ўз вақтида ижтимоий қўллаб-қувватлаган жамоадан беҳад мамнун бўлишди.

Ҳозир Гулшод Сафарова "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалида навбатчи диспетчер вазифасида ҳизмат қилмоқда. Қарийб 18 йилдан буён бир жамоада ишлаб келяпти. Сменадошлари — Раҳим ака Камолитдинов, Бобур Келдиёров ҳамда Бехзод Тоғайалиевлар билан билдирилган ишонччи сиздиқидан оқлаб келмоқда. Туман телекоммуникациялар боғламалари яхши фаолият кўрсатаётган экан, демак, диспетчерлик назорати ўз вақтида ва сифатли йўлга қўйляпти. Энг муҳими, бу камарбасталик "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали муваффақиятлари тобора мустаҳкамланиб боришини таъминламоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё вилотидаги мухбири

Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларини йўқлаб, кўнгилларини обод айлайлик... Башоратхон Жалилова ("Матбуот тарқатувчи" вилоят шўъба корхонаси раҳбари) билан дилга туккан бу ниятимиз ниҳоят амалга ошди. Баҳор ойининг энг жозибадор, энг гўзал апрелининг йигирма тўртинчи куни йўлга отландик.

Бир олам севинчу қувонч билан келадиган байрамларнинг фазилатлари кўп. Биз ҳам бу фазилатларни кўпайтира олсак не тонг! Биз солиҳ ишларга жазм этсак, кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олсак, аввало, ўзимиз учундир. Бурчимизни адо этган бўламыз. Ҳаммаимизни хуш хислатлар билан неъматлантириганига нима етсин!

Учкўприк туман "Матбуот тарқатувчи" идораси жамоасига кўп йиллар раҳбарлик қилган Қодиржон бобо Махмудов "Менинг меҳмонларим келиши!", "Менинг меҳмонларим келиши!" дея тўққинчилиб кетган онлар таърифига тил ожиз. Бу ҳаммада ҳам бўлавермай диган баланд овоз нахотки 90 ёшли бобожонга тегишли бўлса! Бу овоздаги жўшқинлик, мамнунлик қалбларимизни



ларзага келтирди. Кўз ёшларини базур ютиб, салом-алиққа тутинамиз. Бобо биз гўё дунё зийнатларини бергандек шодмон эдилар. Хамиджон билан Хуснидалар боболари севинчига шерик, лабларидан табассум аримаиди.

Шундан сўнг биз шу туманда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси Мамасодиқ ота Мамақусупов ҳамда Маматқул ота Маҳкамоялов, меҳнат фахрийси Хожамбува Мамоновнинг ва Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фа-

рийси Муаззамхон Абдуллаева ҳамда Барод туманидан Алижон бобо Ганиев хонадонларида бўлиб, ҳар бирлари билан 10-15 дақиқадан суҳбат қурган бўлсак-да, уларнинг уруш йилларидаги торпган заҳматларини, урушдан қайтмаганларни, жангтоҳлардан қайтиб соҳада ишлаб вафот этганларни ҳам ёдга олдиқ ва тинч ва осуда йилларда кексалик ганжига тўла умрларини кечиргандек бўлдик.

— Шукр, зиёда умрни раво кўрган экан, болалар камолдан гурурланиб аяшяпман, — деди Алижон бобо. — Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини телевизиорда эшитиб, жуда суюндим. Юртбошимизга мингдан минг раҳмат! Дунё тургунча турсинлар. Бизларни кадрлагани Аллох кадрласин.

Почтачиларда 8 нафар, телеком ва матбуот тарқатувчиларда 5 нафардан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари қолишибди. Уларнинг сафлари тобора

сийраклашиб бормоқда. Озод ва эркин Ватанда яшаш нечоғли бахт эканлигини теран англовчи бу улуг зотларни кўрганда Юртбошимизнинг "Биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Биз бу фидойий инсонларни янада кўпроқ кадрлашимиз, уларга нафақат мана бу байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз зарур" деганлари ҳаёдан ўтади.

Вилоятдаги алоқа корхоналари раҳбарлари ва жамоа вакилларидаги иборат гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳузурда бўлишиб, юқори ташкилотларнинг совғаларини топишмоқдалар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилотидаги мухбири

"Ўзбектелеком"

инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркасида

Тошкент шаҳри "Ўзэкспомарказ" кўرғазмалар павилонларида 3 май кунин навбатдаги Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар V республика ярмаркаси ўз ишнин бошлади. Бу йил кўрғазмада "Ўзбектелеком" АК мутахассислари томонидан қуйидаги лойиҳалар тақдим этилди:

- IPTV рақамли интерактив телевидение хизмати;
- OliveBox интернет приставкаси;
- Кўп функцияли нутқли модуль;
- Рақамли синов столи;
- электр қуввати сарфланиши назорати ва ҳисоблаш маркази;
- FTTx(KPU) технологияси бўйича кентполосали уланишни жорий этиш.

Республика ярмаркаси бу йил бешинчи бор ўтказилмоқда ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни тезлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш бўйича вазифаларни амалга оширишни мақсад қилган.

uztelecom.uz

Камолотда камол топдим...

Яқинда Тошкент автомобил йўллари институти "Камолот" ЕИХБТ ташаббус билан институтда "Камолотда камол топдим" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Дастлаб сўзга чиққан институт ректори, профессор М.Икромов ҳамда "Камолот" ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими раиси О.Махкамов йирилганларни байрам билан табриқлаб, камолотчиларнинг келгуси ишларига омад тилади. Шундан сўнг меҳмонларга институт бошланғич ташкилоти ҳаётидан хикоя қилувчи лавҳалар катта экранда намоиш этилди.

Ташкилотнинг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда энг фаол аъзолар номинишлар бўйича жами 11та йўналишда тақдирланди. Институт маънавият ишлари бўйича проректори Г.Турсунова голибларга махсус диплом, эсдалик совғаларини топишди.

Дастур якунида "Ўзбегим ёшлари" гуруҳи ижро этган куй-қўшиқлар йирилганларга кўтаринки кайфият бағишладди.

Шахноза ТЕШАЕВА

Яшаш бахти

ENTIROM

Состояние и дальнейшее развитие доменной зоны "UZ"

В соответствии с планом работ по освещению важных вопросов, касающихся жизнедеятельности страны, Узбекским агентством связи и информатизации, Центром UZINFOCOM и журналом infoCOM.UZ 1 мая организована пресс-конференция на тему "Состояние и дальнейшее развитие доменной зоны UZ".

На пресс-конференции выступили Шухрат Атамухамедов, заместитель генерального директора УзАСИ, Джалолатдин Рахимов, директор центра UZINFOCOM.

С презентацией "Состояние и дальнейшее развитие доменной зоны "UZ" выступил Владислав Дейхин, главный специалист группы развития национального домена "UZ".

Домен верхнего уровня "UZ" был зарегистрирован 29 апреля 1995 года — 17 лет назад. В этот день Университет института информатики Южной Калифорнии (США) одобрил запрос о создании национального домена "UZ".

Благодаря Указу Президента Республики Узбекистан от 30 мая 2002 года "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий", в марте 2003 года в соответствии с подписанным соглашением Международной организацией ICANN, право на управление национальным доменом было передано Центру UZINFOCOM, который яв-

ляется администратором национального домена "UZ".

Для повышения качества услуг и развития добросовестной конкуренции в сфере регистрации доменов, Центром были распределены функции регистраторов и администратора. Таким образом, сейчас в Узбекистане действуют шесть официальных регистраторов — это компании Tomas, Amaliy Aloqalar Biznesi (BCC), Sarkor Telecom, Billur Com, Arsenal-D, а также регистратор по Ферганской долине — Симус.

Администратором национального домена "UZ" были проведены определенные работы по снижению стоимости регистрации доменов с 89 долл. США до 25-35 тыс. сум, что создало благоприятные условия для регистрации доменов пользователями.

Также, для удобства во взаиморасчетах, с 1 сентября 2010 года были изменены тарифные планы для регистраторов с учетом перехода на национальную валюту — сум.

Необходимо отметить развитие технической части доменной зоны "UZ", в которую постоянно внедряются различные нововведения для удобного пользования доменами.

В частности, были запущены следующие сервисы: рассылка СМС и электронных уведомлений пользователям для предотвращения случаев потери доменов, сервис whois посредством СМС, "Персональный

кабинет" для владельцев доменных имен, предназначенный для управления своими доменами и настройками уведомлений, мобильная версия сайта cctld.uz, а также сервис совместно с проектом desk.uz — "Контроль срока доменов UZ".

С недавнего времени регистраторам предоставлена возможность самостоятельной передачи доменов без участия Администратора домена "UZ" — трансфер доменов с возможностью новой регистрации домена, изменение даты окончания регистрации домена в пределах оплаченного периода регистрации и регистрация и продление доменных имен от 1 года

до 5 лет.

В ближайшем будущем Центром UZINFOCOM планируется внедрить возможность оформления заявки на регистрацию домена в он-лайн режиме с выбором регистратора, прорабатывается вопрос по набору дополнительных регистраторов.

На сайте www.cctld.uz имеется развернутая статистика, позволяющая просматривать информацию о состоянии развития доменной зоны "UZ" в различных разрезах. Согласно данным статистики, в настоящее время зарегистрировано более 14,1 тыс. доменов. Прирост с начала года составляет более 700 доменов. Имеются следующие направления веб-сайтов: Hi-Tech, культура, наука, развлечения, спорт, бизнес, органы государственного управления и другие.

Ежегодно Центром UZINFOCOM проводится собрание с участием всех регистраторов, на котором обсуждаются итоги деятельности, дальнейшие планы и перспективы развития доменной зоны "UZ".

Информация о доступных сервисах и новшествах всегда доступна на сайте Администрации доменной зоны "UZ" по адресу www.cctld.uz.

Вопросы пользователей, пожелания и предложения обрабатываются посредством интерактивного взаимодействия — через форум uForum.uz в специальной ветке "Домены UZ".

infocom.uz

Согласно данным статистики, в настоящее время зарегистрировано более 14,1 тыс. доменов. Прирост с начала года составляет более 700 доменов.

Формирование ИОС

Ташкентского университета информационных технологий

Сегодня, одной из основных задач, поставленных перед системой образования Республики Узбекистан, является повышение качества образовательного процесса, воспитание духовно развитого молодого поколения и подготовка высококвалифицированных, конкурентоспособных кадров. Быстрое обновление знаний, включая базовые, в области технических наук ставит перед высшим образованием задачу подготовки специалистов, способных:

- адаптироваться к быстро меняющимся условиям современного общества, самостоятельно приобретать необходимые для успешной работы знания и навыки, применять их на практике для решения разнообразных задач;

- самостоятельно, критически мыслить, уметь видеть возникающие в реальной действительности проблемы и искать рациональные пути их решения, используя современные технологии;

- грамотно работать с информацией, извлекать и обрабатывать информацию, а также эффективно использовать информационные ресурсы, в том числе и мировые, для решения поставленных задач;

- уметь работать в коллективах, объединяющих специалистов различных областей знания.

Главным вопросом при решении данных задач является создание и совершенствование образовательных информационных сред отвечающих современным требованиям, в частности виртуальных (on-line) систем обучения.

Построение информационно-образо-

вательной среды (ИОС) на основе современных информационных технологий привносит в учебный процесс новые возможности: сочетание высокой экономической эффективности и гибкости учебного процесса, широкое использование информационных ресурсов, существенное расширение возможностей традиционных форм обучения, а также возможность построения новых эффективных форм обучения.

Термин "Информационная образовательная среда" воплощает новую сущность интеграции образовательной и информационной сред. Воплощение этой идеи требует преодоления ряда серьезных препятствий. И дело здесь не только в функциональной сложности самой образовательной среды, в тех новых проблемах, которые проявляются в связи с модернизацией методов обучения. Новые формы работы предполагают видоизменение и сокращение персональных контактов преподавателя и учащегося. К этой проблеме примыкает необходимость создания информационными средствами механизмов группового обучения. Встают задачи создания качественных электронных образовательных ресурсов, а также технологий и методик их использования.

ИОС университета формируется постепенно. Построение ИОС в современном ее понимании требует выполнения целого ряда задач, основными из которых являются следующие:

- разработка организационной структуры, обеспечивающей создание, поддержку и развитие ИОС;

- техническое и технологическое обеспечение;

- разработка и поддержка информационных образовательных ресурсов;

- создание и поддержка образовательного портала университета;

- развитие научной и научно-методической работы в области современных информационных и телекоммуникационных технологий и применение их в области образования.

Результаты проведенных исследований показывают, что в последние десятилетия появилась новая проблема развития системы образования. Знания стареют каждые 3-5 лет, а технологические знания — каждые 2-3 года. Если не менять образовательных технологий, то качество подготовки специалистов будет объективно отставать от требований на рынке труда. В связи с чем становится необходимым внедрение и виртуального образования.

Из выше сказанного, можно выделить несколько основных причин создания и внедрения технологии виртуального обучения в системе образования Республики Узбекистан:

- Повышение качества образования
- Широкое предоставление образовательных услуг лицам с ограниченными возможностями по социальной адаптации.

- Комфортность обучения и преподавания.

- Создание конкурентной среды в образовании.

В современных условиях информатизации и технологизации системы

образования понятие "Электронный университет" получило новое расширенное толкование.

Информационная система "Электронный университет" предполагает создание единого информационного пространства (информационной образовательной среды) университета и его филиальной сети путем формирования корпоративной коммуникационной инфраструктуры, использования современного цифрового оборудования, компьютерной техники и программных средств, с последующей интеграцией информационных систем (ИС) университета и его филиалов в общий комплекс взаимосвязанных программных продуктов и технических решений.

Деятельность современного высшего учебного заведения (университета) носит многопрофильный характер, и создание единой системы управления вузом на основе информационных технологий является сложной комплексной задачей, требующей решения многих организационных и технологических задач.

В работе университета можно выделить два основных направления информатизации: административно-управленческий и образовательный, включающих множество контуров управления.

(Продолжение следует)

В. КОГАЙ,
доцент ТУИТ,
В. ИГУМЕНОВА,
А. МУМИНОВ,
магистранты ТУИТ

"Бизнинг мақсадимиз ўқувчи (талабани) толиктириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи (талаба) бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас бошқа бир боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси, томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди".

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.
"Маънавият юлдузлари"дан

Дарҳақиқат, талаба (ёки ўқувчи)ларни замонавий техник воситалардан, қолаверса, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитиш ҳозирги куннинг, долзарб, кун тартибига қўйилган асосий масаласига айланди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш:

- талаба (ёки ўқувчи)нинг дарсга, фанга бўлган қизиқишини, ихлосини янада ривожлантиради;

- ўрганилган ўқув мавзу, курси бўйича билимларни мустаҳкамлаш;

- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни яқка тартибда ва гуруҳли қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди;

- ижодий ва ўрганиш қобилиятлари, манتيкий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиради;

- масъуллиқ, мустақиллик, коммуникативлик ва эмпатия, рефлекснинг шаклланиши, ўқув мавзуларини ўзлаштириш сифатини, ўз-ўзини текширишни, назорат қилишни ўрганади;

- мустақил ҳолда эркин фикрлаш малакасини шакллантиради;

- ижодкорлик ва ташаббускорлик муҳитини вужудга келтиради;

- нутқни ривожлантиради ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди;

- ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади;

- қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади;

- талаба (ўқувчи)ни фаоллаштиради;

- фикрлар ранг-баранглиги, қарашлар хилма-хиллиги юзга келади;

- ўз фикри ва ўзгалар фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади;

- олган билимларини ҳаётга татбиқ этишига имконият яратади.

Воқеан, бу усуллар, айниқса, таълим тизимининг барча соҳасида, ҳусусан, олий ўқув юртиларида таълим олаётган талабаларга тарих, Миллий истиқлол ғояси, Маънавият асослари, ўзбек тили каби фанларни ўқитишда қўл келади. Компютер дарсларининг асосини унда берилган материаллар (турли матнлар, топшириқлар, тест саволлари ва вариантлари, мултимедия воситалари) ташкил этади. Мултимедия воситалари ёрдамида ахборотларни матли, тасвирли, товушли ва анимация кўринишида намойиш этиши мумкин. Маълумки, мултимедия ахборот ресурслари анимацияли, аудио ва видео маълумотлардан таркиб топади.

Дарс жараёнида талабаларнинг компютерда ишлаш ё кузатиш малакалари эмас, энг асосийси, уларнинг ижодкорлик ва ташаббускорлик муҳити ривожланади, эслаб қолиш қобилияти кучайиб, ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилади.

Бой меросимиз, аждодаларимизнинг ақл-заковати билан йўғрилган "Донишмандлар бисоти"дан олинган чуқур мазмунли қисқа хикоялар, маданий-тарихий ёдгорликларимизга оид маълумотлар, узок тарихимиз, тилимиз, адабиётимизнинг буюк алломаларига оид маълумотлар тўплашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу каби технологиялар орқали талаба (ёки ўқувчи) анимацион кўринишлар орқали маданий ёдгорликларнинг, обидаларнинг архитектураси, миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, тилимиз ва

АКТдан фойдаланиш

дарс самарадорлигига эришишнинг муҳим омили



миллатимиз тўғрисида тасаввур ҳосил қилишлари мумкин.

Мултимедия воситалари нутқли ахборотни киритиш-чиқариш қурилмалари (клавиатура, микрофон, кучайтиргичлар, товуш колонкалари), анимацион ва видео маълумотларни киритиш ва чиқариш қурилмалари (видеокамералар, видеопроектор ва экранлар, электрон доска), товушли ва видео маълумотларни сақловчи оптик дисклар, мултимедия воситаларидан фойдаланишда уларнинг бир неча турлари ва усуллари мавжуд.

Тарих, Миллий истиқлол ғояси, Маънавият асослари, ноўзбек гуруҳларда ўзбек тили фанларини ўқитишда методларнинг ва шаклларнинг ўзаро ўрин алмашиниб туриши дарснинг жозибадорлигини, унинг товланб-ту-

АКТдан фойдаланиб ўргатишнинг асосий мақсадлари уларнинг кейинги меҳнат фаолиятида тўғри ёзиш, ўз фикрини эркин баён этиш, муношаот қондаларини билиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришдир. Ушбу кўникмалар ичида энг муҳими фикрни матн тарзида баён этишидир.

Оддий бир мисол. Машғулотнинг аввалида талаба-ўқувчиларга буюк тарихчиларимиз, алломаларимиз, миллий кадрияларимиз ва анъаналаримиз, бетақдор маънавиятимиз, тилимиз, миллатимиз, динимиз, эътиқодимиз ҳақидаги маълумотлар билан ишлаш йўллари тушунтирилади. Кейин талабаларнинг эътибори монитор (экран)даги ахборотларни: матнли, тасвирли, товушли ва анимацион кўринишдаги намойишга қаратилади. Талабалар унинг мазмуни, талаб даражаси билан танишганларидан сўнг (товушли) матн устида ишлашнинг қуйидаги босқичларига ўтиши мумкин:

- матндаги асосий фикрни аниқлаш;
- матнни қисмларга ажратиш;
- матн юзасидан саволлар тузиш;
- матнга режа тузиш;
- режа асосида матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш;
- сюжет (тарихий воқеалар, миллий-маданий кадриятлар, муҳим саналар, фактлар, рақамлар ва ҳар хил қарашлар) мазмунини қайта ҳикоя қилиш;
- бунёдкор ғояларни билиш орқали вайронкор ғояларга қарши мустақил соғлом фикр — ғоявий иммунитетни шакллантириш асосида ўз фикрини мустақил баён қилиш;
- лугат билан ишлаш;
- матнни она тилига таржима қилиш.

Шу тарихи матн билан ишлаш давомида талабаларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ малакалари шакллана боради, эсда қолиш қобилияти кучаяди, энг муҳими, фанга бўлган қизиқиши ортади.

Машғулот давомида талабаларда мустақил фикр билдириш, хотирани чарчлатиб, эсда тутиш ва нутқ малакаларини ривожлантириш учун яна қуйидаги вазифалар тақлиф этилиши мумкин. Компютерга маълум даврдаги тари-

хий воқеалар (диний эътиқодлар, ғоялар, тилимизнинг тадрижий ривожланиш босқичлари) ёзилган бўлади. Ҳар бир талаба тасвирий воқеа (товушли матн)ни ўзича таҳлил қилиши, давом эттириши ва яқун ясаши мумкин (олинган жавоблар компютерга ёзиб борилади).

Таҳлил қилганимиздек, таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш талаба (ёки ўқувчи)ларни ўқитиш ва тарбиялашда янада самарали бўлишини таъминлайди. Ўқув машғулотларида ана шундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларини қўллашни тақозо этади. Шундай экан, ўқитувчи янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириши ва уни дарсда татбиқ этиши, тақомиллаштириб бориши, ўз устида ишлаши, мавзунга ҳаётий воқеалар билан боғлаши орқали — келгусида талабаларда манتيкий, ақлий, ижодий, танкидий мустақил фикрлашнинг шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етуқ мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга эришади. Бу масъулиятли вазифа натижасида талаба (ёки ўқувчи)да қуйидаги кўникмалар шаклланади:

- талаба ўзида ортиқча ҳаяжонни йўқ қила олишига ўрганиб боради;
- сўзга чиқишдан олдин журъатсизликни енга олиш қобилияти ўсади;
- қаттиқ ҳаяжон, руҳий зарба (стресс) вақтида ўзини бошқара олиши ўрганади.

Кўриниб турибдики, АКТдан самарали фойдаланиш жараёнида талаба фаол иштирокчига айланади, уларда фан бўйича ҳосил бўлган билим, малака ва кўникма мустаҳкамланади, бу эса, ўз навбатида, машғулотнинг самарадорлиги ошганлиги ва ўқитувчи ижодий натижага эришганини кўрсатади.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ,

ТАТУ Нукус филиали

"Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

Ахборот технологиялари нафақат келажак технологияси, шунингдек, ўтмиш тарихимизни, миллий анъаналаримизни, меросимиз, динимиз, миллатимиз, ўзлгимиз, тилимизни ўрганишда ҳам асосий воситалардан бири сифатида ўз мавқеига эгаллиги шубҳасиз.

ришини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Ўқитишнинг замонавий методлари ва АКТдан самарали фойдалана билмаслик, дарс ўтишининг анъанавий усуллари орқали ўқитиш дарснинг зерикарли ва самарасиз ўтишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналишида бўлмаган мутахассислар тайёрлайдиган йўналишлар талабаларининг ушбу фанларга қизиқишининг сусайишига, шунинг натижасида талаба (ўқувчи) дунёқарашининг тор доирада шаклланиб қолишига олиб келади. Юқорида кўрсатилган фанларни

Баҳор фаслининг улуввор кудрати шундаки, ҳамма нарсага куч-қувват, яшаш ва яшариш бахтини ато этади. Ҳар наҳор баҳор фаслининг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экансан, умринг кўз олдиндан бир-бир ўтади, ҳаёт эканлигинг, яшаш бахтига муяссар бўлиб турганинга шукроналар айтасан. Олис хотиралар ҳаёлигинг банд этганини сезмай қолсан. Ўтган яқин-йироқларинг ёдинга кела бошлайди.

Агар Рустам ака Тешабоев ҳаёт бўлганда, бу баҳорда роппа-роса 66 ёшга тўлган бўларди.


Рустам Дадажонович Тешабоев 1946 йил 20 мартда Фарғона вилояти Фарғона шаҳрининг Оқариқ маҳалласида, зиёлилар оиласида тўғилди. Отаси Дадажон ака узок йиллар шахар ва қишлоқ мактабларида оддий ўқитувчи ва директор бўлиб ишлаган, онаси Турсуной опа болалар боччаларида мураббия сифатида хурмат-эътибор тошган, бинобарин бу бағри кенг, серфарзанд оилада илм-маърифатнинг кадрлик миммати баланд, ўқимишлилик ўзаро оилавий муносабатларга ҳам ўз икбий таъсирини ўтказган эди...

даги биринчи дарслик эди.

Рустам Дадажонович олиб борган факултетдаги қизгин илмий-ижодий фаолият натижасида мазкур йўналишда таҳсил олган талабалар орасидан бугунги кунга қадар 24 нафар фан номзоди ва фан докторлари етишиб чиқди.

Соҳа бўйича тўпланган катта амалий тажриба ва илмий изланишлар натижасида Рустам Дадажонович 1997 йилда докторлик илмий-тадқиқот ишини ниҳосига етказиб, уни муваффақиятли химоя қилди ва техника фанлари доктори илмий даражаси ва кўп ўтмасдан профессор унвонига эга бўлди.

Рустам Дадажонович 2005 йил-



Самимий ва дилкаш инсон эди...

Рустам Дадажонович 1963-1968 йилларда Тошкент политехника институти курилиш факултетини аъло баҳолар билан тамомлаб, йўланма билан Фарғона политехника институтида ассистент-ўқитувчи лавозимида ўз фаолиятини бошлади. 1969-1970 йилларда армия сафарларида хизмат қилди. Москва муҳандислик ва архитектура институти аспирантурасида таҳсил олди ва 1975 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

1975-80 йилларда Фарғона политехника институтида илмга ташна, ёш кадрларга эҳтиёж жуда катта эди. Институт раҳбарияти унга катта ишонч билдирди ва у "Санот ва фуқаро курилиши" кафедраси мудирини, 1976 йилдан бошлаб курилиш факултети декани лавозимида ишлаб бошлади. Эндигина 30 ёшга кирган, навқирон Рустам Дадажонович серхаракатлиги, ишчанлиги, вазиятни тез ва тўғри аниқлай олиши, ишнинг кўзини билиши билан обрў-эътибор топди ва бу лавозимда 23 йил мобайнида муваффақиятли ишлади.

Айни чоғда минглаб йигит-қизларга мутахассислик фанларидан маърузалар ўқиди, ўнлаб аспирантларга илмий раҳбарлик қилиб, соҳа йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш сирларини ўргатди. Энг муҳими, ўзи ҳам тинмай меҳнат қилди, ўқиб-изланишдан чарчамади. Ҳолат кийин ва мураккаб даврларда ҳам илмий изланишларга вақт ва кунг топа олди. 1991 йилда "Ўқитувчи" нашриётида chop этилган "Фуқаро биноларнинг мезморчилик конструкциялари ва қисмлари" деб номланган дарслиги унинг номи янада машҳур қилди. Чунки бу китоб республика олий ўқув юрталари учун чиқарилган ўзбек тили-

да Фарғона шаҳрида очилган водийда ягона ҳисобланувчи ТАТУ Фарғона филиалига директор этиб тайинланди. Янги очилган олий ўқув юрти унинг олдида улкан вазифаларни кўндаланг қўйди. Филиал учун ажратилган бинони тўлиқ таъмирдан чиқариш, Талабалар тураржойи барпо этиш, ўқув биноси учун меҳнат ва техника жиҳозлар келтириш, лаборатория хоналарини ташкил этиш, энг муҳими, янги профессор-ўқитувчилар жамоасини шакллантиришда Рустам Дадажоновичга кўп йиллар давомида тўплаган тажрибалари кўл келди.

Рустам Дадажонович филиалнинг янги ўқув мажмуаси курилишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида барпо этилган бу ўқув мажмуасини қуришда унинг курилиш соҳасидаги билим ва тажрибалари асқотди.

Рустам Дадажонович тажрибали устоз сифатида юзлаб ёшлар қалбида илмий-тадқиқот ишларига қизиқиш ва иштиёқ уйғота олди, иқтидорли шогирд-тадқиқотчилар тайёрлашга катта аҳамият берди. 2010 йилда у аспирантурага юборган икки ўқитувчи фан номзоди, бир докторант фан доктори бўлиб қайтишди. Айни кунларда 3 нафар тадқиқотчи номзодлик диссертацияларини химоя қилиш арасида туришибди.

Рустам Дадажонович 40 йилдан ортиқроқ ижодий фаолияти давомида бешта монография, учта дарслик, 270дан ортиқ мақолалар эълон қилди, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этди. Кейинги беш йил мобайнида ахборот технологиялари ва

ёшлар муаммоларига доир 20дан ортиқ мақолаларни "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Хабар", "Фарғона ҳақиқати" газеталарида chop этилди.

Унинг муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида тайёрланган бир қатор дарслик, монография ва ўқув қўлланмалари республикамизнинг "Фан", "Меҳнат", "Ўқитувчи" каби марказий нашриётларида катта тиражларда, ўзбек ва рус тилларида ҳам нашр этилган. Шу билан бирга, Қирғули ва Фарғона шаҳарлари депутати сифатида ҳам фаолият юритиб, жамоатчилик хизматини ҳам сидқидилдан бажариб келаётган эди. Рустам Дадажонович курилиш технологиялари соҳасининг етук мутахассис олими сифатида республикамизда ўз нуфузига эга бўлиб, Тошкент Архитектура ва курилиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича махсус Илмий Кенгашининг аъзоси, бир неча илмий журналларнинг таҳрир хайъати аъзоси эди.

Домла спортни жон-дилдан севар, айниқса, футбол мусобақаларини изчиллик билан кузатиб, ўрганиб боришга одатланганди. Мини-футбол Федерацияси вилоят бўлими раиси вазифасини сидқидилдан бажарар, ёш, иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлашни ўз бурчи деб биларди. Лекин шахматта хурмат-эътибори ҳамма қизиқишларидан кўра устунроқ эди. Рустам ака шахматни спортдан кўра ҳам кўпроқ санъат деб ҳисоблашга мойил эди. Ишдан кейин, бир пиёла чой устида, дилкаш дўстлари даврасида шахмат суришдан олам-олам завқ олар, шунда кундузги боши-кеги йўқ ташвишлардан чарчган қалби яйраб кетарди. Сир эмас, бу каби фараҳли беллашувларни томоша қилиб ўтиришнинг ҳам ўзгача гашти бўлар, томошабинлар ҳам микиб дам оларди.

Самимий ва дилкаш инсон, салоҳиятли раҳбар ва олим Рустам Дадажонович Тешабоев барча дўст-ёрлари, ҳамкасблари, юзлаб шогирдлари қалбида абдий яшайди.

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали доценти

Ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб...

— Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида" ги фармони кексаларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фахрийларимиз кўрсатган жасоратни улдулаш борасидаги хайрли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, — дейди Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Абдунаби Мамажонов. — Юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларини эъозлаш, кексаларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, катта ҳаётий тажрибага эга бундай инсонлар фаровон ҳаёт кечирishi учун етарли шарт-шароит яратилган.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига жамоамизда алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Марказий бўлим ва ҳудудлардаги 14та бўлимда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш мақсадида хашар ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлинимаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда шахримизда истиқомат қилаётган 41 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 минг сўм миқдоридagi пул мукофотлари хабарчилар томонидан гуллар билан таштанали равишда топириллиши учун пухта ҳозирлик қўриб қўйди. Юртбошимиз томонидан уруш фахрийларига ажратилган пул мукофотлари шаҳарнинг 8та даҳасида жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида байрам арафасида топирилади.

Улуғ сана арафасида қорхонадан нафақага чиқиб, кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, беморлар йўқланади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"O'ZBEKTELEKOM" очик акциядорлик компаниясининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган РТ серияли 0000178 рақамли;

"PARKET-ELIT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002383 рақамли;

"SUNRISE INTERNET" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003380 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "IRIS TELEKOM TOSHKENT" хоржий қорхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002889 рақамли;

"MAXSUSENERGOGAZ" очик акциядорлик жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003612 рақамли;

"NAVOYAZOT" очик акциядорлик жамиятнинг (Навоий ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003584 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 30 апрелдан тугатилди.

4 май куни Фарғона Олимпия захиралари коллежида Р.Тешабоев хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича вилоят олий ўқув юрталари мусобақасига старт берилади. 5-6 май кунлари ТАТУ Фарғона филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида домла хотирасига бағишланган шахмат беллашувини ўтказиш режалаштирилган.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Фаргона вилояти Куvasой шахрида қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ва маҳалла посбонлари учун ўқув семинари ўтказилди. Семинарда Куvasой шаҳри ҳудуди бўйича 30 нафар маҳалла фаоллари қатнашди.

Ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг, "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарининг, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоялар ва устувор вазибаларни фаоллар томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш масалаларига бағишланган мавзуларда машғулотлар олиб борилди.

Семинарда ТАТУ Фаргона филиали "Ижтимоий фанлар" кафедраси ўқитувчиси А.Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг, ТАТУ Фаргона филиали маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари У.Солиев "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоялар ва устувор вазибалар мавзусида маърузалари билан иштирок этдилар.

Тўхтасин НАЗИРОВ,
Абдумалик ҚОДИРОВ,
ТАТУ Фаргона филиали
ўқитувчилари

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда Марҳамат туман қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази ҳамкорлиқда "Ахборот-ресурс марказларида ноанъанавий ахборот манбаларидаги (қоғозсиз ахборот ташувчилар) ҳужжатлар фондиди шакллантириш" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарни мазкур коллеж директори М.Юнусов очиб, коллеж ва АРМ фаолиятига алоҳида тўхталар экан, ҳамкорликдаги ишларни янада ривожлантириш, мана шундай семинарлар коллежда кўпроқ ўтказилиши зарурлигини айтиб ўтди.

Марҳамат туман қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи АРМ раҳбари Н.Хомедов АРМдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда ноанъанавий ахборот манбалари орқали хизмат кўрсатишнинг афзалликлари ҳақида гапириб берди.

Семинарда иштирок этган Андижон вилоят АКМ ахборот-библиография бўлими мудири М.Қодирова ахборот-коммуникация технологиялари орқали хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияла-

рини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва унинг моҳияти ҳақида ўз фикрларини билдириб, семинар иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоб берди.

Бутунги кунда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг янги электрон технологиялари асосида ишлаш, фойдаланувчиларга ноанъанавий ахборот манбалари (қоғозсиз ахборот ташувчилар) ҳужжатлари ёрдамида хизмат кўрсатишга ўтилиши нафақат марказлар фаолиятини такомиллаштириш, балки фойдаланувчиларга ахборот хизматини тез ва сифатли амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Семинар давомида АРМ етакчи мутахассиси Х.Шаробиддинова "Ахборот-ресурс марказларида ноанъанавий ахборот манбаларидаги (қоғозсиз ахборот ташувчилар) ҳужжатлар фондиди шакллантириш" мавзусида назарий ва амалий ахборотлари билан маъруза қилиб, ноанъанавий ахборот манбаларини ҳисобга олиш ва уларга техник ишлов бериш, уларни "Жамлама ҳисобга олиш" ва "Инвентар дафтари"да қайд этиш, фонддан чиқариш ҳамда сақлаш бўйича тавсияларни амалий машғулот орқали кўрсатиб берди. Иштирокчиларга амалий машғулотни бажариш учун вақт белгилаб берилиб, бажарилган машғулот таҳлил қилиш орқали баҳоланди. Машғулот юзасидан берилган саволларга мутахассислар тўлиқ жавоб беришди.

Албатта, бутунги китобхона талабини қондириш учун кутубхоналарда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, бунинг учун эса давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги семинар давомида янада ўз исботини топди.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА,
Андижон вилояти АКМ
илмий-услубият бўлими етакчи
кутубхоначиси

Кармана — вилоятда биринчи

Навоий техника-иктисодиёт касб-хунар коллежида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Кўтаринки руҳда ташкил этилган бу йилги кўрик-танловда ахборот-ресурс марказининг ташқи ва ички кўриниши, китоблар фонди ҳамда ўқувчиларнинг ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш жараёнини акс эттирувчи лавҳалар, мутахассис ходимлар томонидан ўтказилган энг яхши тадбирлар акс этган маълумотлар тақдимоти веб-саҳифалар орқали намойиш этилди.

Ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари ўз фаолияти, ахборот-ресурс марказида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришди. Иштирокчилар соҳага оид тест савол-

ларига жавоб беришди.

Яхши натижа кўрсатган Навоий маданият ва санъат коллежи ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази иккинчи ўринга, Конимех қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази учинчи ўринга сазовор бўлди.

Энг яхши натижа соҳибби — Кармана педагогика коллежи ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва республика босқичига йўлланма олди.

Ғолиблар ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Жамила БОБОМУРОВА,
Навоий вилояти АКМ
илмий-услубият бўлими мудири

VILOYAT BOSQICHI

Эзгуликка чорловчи ижод

Жорий йилнинг 27 апрел куни Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва Ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда адиб Қобил Мирзонинг "Шайтон фарёди" номли янги асари тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдиротни вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси А.Нурматов очиб берар экан, Қ.Мирзо ҳаёти ва ижоди, асарларидаги умминсонийлик ғоялари, Ватанга садоқат, шарқона одоб-ахлоқ, эзгулик борасидаги ибратомуз воқеаларни, янги асарнинг тили равои, содда ва китобхонлар учун тарбиявий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб ўтди ва адибни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси, шоира Хуршидабону, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи Шойим Бўтаев, Андижон Давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Ҳалим Каримлар жонажон Андижонимизда қанчадан-қанча эл ардоғидаги ёзувчи ва шоирлар таваллуд топиб, ўзларининг сермахсул ижодлари билан ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшганларини, шулар қаторида шоир ва ёзувчи Қ.Мирзонинг яхши ижодкор эканлиги, ҳар бир асарининг мавзусини пухта ўзлаштириб, кенг ёритиб бера олиши, янги асарида одамийликни англаш, шайтон вавасасига учмаслик қадамга олинганлиги, тарбиявий жиҳатлари тўғрисида сўз юрити-

шиб, ўқувчиларни китобни севиш, ҳамisha китобни дўст тутишга чорлашди.

Тадбирда Андижон педагогика коллежи мусиқа йўналишининг 1-ва 2-босқич ўқувчилари шоирнинг шеърларидан ўқидилар ва "Сехрли калит" пьесасининг III-пардаси асосида сахна кўринишини ижро этиб бердилар. Тадбир муносабати билан АКМ ходимлари томонидан "Эзгуликка чорловчи ижод" мавзусида адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Тадбирга таширф буюрган механизмларга Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан "Шайтон фарёди" асари ва "Китоб дунёси" номли вақтли матбуот нашри тақдим этилди.

Д.КАРИМОВА,
Бобур номидаги
Андижон вилояти АКМ
1-тоифали кутубхоначиси

Халқаро танлов ғолиби

Ўтган йили интернет тармоғи орқали халқаро танлов эълон қилинган эди. Танлов шартларига кўра, иштирокчиларга илтимос ёзувчи Дани Лаферрьернинг "Кичик рассом" ҳикоясини француз тилида давом эттириб ёзишлари талаб этилганди. Ушбу танловда Ёзёвон туманидаги 3-умумтаълим мактабининг учинчи синф ўқувчиси Моҳларой Эргашева ҳам қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

Хали бошланғич синф ўқувчиси Моҳларой ўзининг изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан синфдошлари ўртасида алоҳида ажралиб турди. Синф раҳбари С.Аскарובה, француз тили ўқитувчиси М.Исакова, онаси Х.Эргашевалар унда истезод қирраларини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бутун дунё болалари учун эълон қилинган мазкур танловда Моҳларойнинг ғолиб чиққани мактаб жамоасини қувонтирди. У Дани Лаферрьер ҳикоясини нафақат французчада давом эттирди, ҳатто унга мос расмлар ҳам ишлади.

Моҳларойдан устозларининг умиди катта. У бундан-да улкан марраларни забт этиш ниятида аъло баҳоларга ўқимокда.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

Барқарор ва ишончли фаолият

Давлатимиз раҳбари 2011 йилнинг асосий якуллари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг маърузасида мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этар экан, ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича татбиқ этилаётган аниқ ва изчил мақсадли чора-тадбирлар ўзининг самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши бугунги кунда иқтисодийнинг изчил юқори ўсish суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Бу жараёнда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ушбу соҳа таракқиётининг суръат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар соҳани янги босқичга кўтариётганини алоҳида таъкидлаш ўринли, — дейди Андижон вилоят Марказий банки бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Иброҳимжон Миттилаев. — Қайд этиш жоизки, айти пайтда мамлакатимиз банк тизими катъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили "Moody's"

халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиши истикболларини "барқарор" деб баҳолади ҳамда 15та етакчи тижорат банкнинг фаолияти "Fitch ratings", "Moody's" va "Standard & Poor's" каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг "барқарор" деган юқори рейтинг баҳосини олгани ҳам фикримиз исботи.

Мамлакатимиз банк тизимида бўлаётган ижобий ўзгаришлар фаолиятимизда ҳам катта ўрин тутмоқда. Айти пайтда "Мустаҳкам оила йили давлат дастури" ва соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида янгидан-янги режаларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, оилавий бизнесни ривожлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган истикболли лойиҳаларимиз ҳамда хизматларимиз шулар жумласидандир.

Айтиш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимиз молия муассасаларида мижоз ишончини қозониш, шунингдек, замонавий банк хизматларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги кунда юртимизда замонавий тўлов воситалари бўлган пластик қарточкалар тобора оммалашиб бормоқда.

Маълумки, пластик қарточкалар билан тўловларни амалга ошириш мижоз учун қулай тўлов воситаси ҳисобланади. Шунингдек, бу нақд пулга бўлган эҳтиёжни ҳам сезиларли дара-

жада камайтиради. Мазкур йўналишда, яъни пластик қарточкаларни эмиссия қилиш борасида "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкнинг Андижон вилоят филиалида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фи-

йўлга қўйилмоқда, — дейди "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкнинг Андижон вилоят филиали бошқаруви раиси Бобиржон Сатторов. — Масалан, 2012 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, эмиссия қилинган пластик қарточкалар сони 28835тани ташкил этди. Пластик қарточкалар учун савдо ва хизмат кўрсатувчи шохобчаларда ўрнатилган терминаллар миқдори эса 225та бўлиб, улар узлуксиз ишлаб турибди. Корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш ҳақи лойиҳалари босқичма-босқич равишда жорий этилаётгани ҳам яхши самара берапти. Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида 86та иш ҳақи лойиҳалари бўйича жами 12 миллиард 799,4 миллион сўмлик ойлик маошлари пластик қарточкаларга ўтказилди. Банк мижозларига янада қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан инфокиосқа ўрнатилган. Инфокиосда аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик қарточкаларга юклаб, пластик қарточка орқали коммунал хизматлар, уяли алоқа хизмати ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз ва ортиқча овозгарчиликсиз амалга оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз банкларида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан бирга, иқтисодий тизимиз барқарорлигига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида 86та иш ҳақи лойиҳалари бўйича жами 12 миллиард 799,4 миллион сўмлик ойлик маошлари пластик қарточкаларга ўтказилди.

лиалимизда пластик қарточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобни ривожлантириш бўйича амалий ишлар

Қишлоқларда замонавий уйлар

Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда аҳоли учун уй-жойлар қурилишини молиялаштириш мазкур банк зиммасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айти пайтда ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда банк ва унинг минтақавий филиалларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2011 йилда Андижон вилоятининг Андижон туманида 60та замонавий уй-жой намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди, — дейди "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг Андижон минтақавий филиали бошқаруви раиси ўринбосари Улуғбекжон Ишказоқов. — Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилади. Зеро, "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури"да оила институтини янада ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етуқ, хар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда унинг ролини ошириш, маҳалла мавқенини мустаҳкамлаш белгилаб берилган. Бу устувор вазифалар филиалимиз жамоасига ҳам улкан масъулият юкламоқда.

Андижон туманидаги Камолот кўчасида фойдаланишга топширилган замонавий уйларга кўчиб қирган юртдошларимизнинг ҳар бири мамнуулгини изҳор этишди.

— Янги уйга кўчиб ўтганимизда бу ердаги шароитларни кўриб оиламиз билан хурсанд бўлдик, — дейди Икромжон Ризаев. — Уйимиздаги қулайликлардан кўнгул яшнайдим. Ҳамма шароит бор. Биз каби ёш оилалар учун мана шундай имконият яратиб берган Президентимиздан миннатдоримиз. Уй-жойлар қурилаётган мавзенинг ўзида ижтимоий соҳа объектлари — мактаб, болалар спорт майдончаси ва савдо дўконлари қурилгани ҳам бизда катта таассурот қолдирди. Бу мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар хар бир соҳада ўзининг ижобий самарасини берапти. Моҳиятан универсал банк бўлган "Қишлоқ қурилиш банк" ҳам ана шу ислохотларга ҳамоҳанг равишда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириб, мамлакатимиз молиявий бозорига мавқени янада мустаҳкамламоқда. Жумладан, банкнинг Андижон минтақавий филиали томонидан ҳам иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Йўналтирилган кредитлар



қўлаб ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Банкда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати жуда юқори даражада йўлга қўйилган, — дейди "Ўзбекистон-Америка" қўшма корхонаси раҳбари Носиржон Отабоев. — Шу боис банк билан доимий ҳамкоримиз. 2011 йилнинг январ ойида 1 миллиард сўмлик кредит олиб, корхонамизга замонавий тикув ва тўқув дастгоҳларини сотиб олдик. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, шу билан бирга, тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифати ошиб, қўлаб янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйдик. Банк ходимлари бизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётгани эришаётган ютуқларимизда муҳим омил бўлмоқда.

— "Қишлоқ қурилиш банк"и ўзи-

нинг тезкор ва замонавий хизматлари билан ишончимизни тўлиқ қозонган, — дейди "AND-POLIS" корхонаси раҳбари ўринбосари Шавкатбек Асранов. — Корхонамиз ишлаб чиқариш фаолиятига кўра, мамлакатимизда янги ҳисобланади. Юқори ағдэзияли пленкаларга талаб бугунги кунда ошиб борапти. Шундан келиб чиқиб фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 2011 йилда банкдан 1 миллиард 188 миллион сўм миқдорига кредит олиб, замонавий технологиялар сотиб олдик. Айти пайтда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, фаолиятимизда янада юксалишлар бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкнинг Андижон минтақавий филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар юртдошларимизнинг турмуш тарзини, шунинг каторида, оилалар фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ойгул РАЗЗОҚОВА
журналист

Соғлом оила — жамият таянчи

Хоразм

Хоразм вилояти алоқа корхона ва ташкилотлари ўртасида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб "Соғлом оила — жамият таянчи" республика оилавий мусобақасининг II босқичи ҳамда "Ош фестивали" танловининг вилоят босқичи Урганч қурилиш касб-хунар коллежи спорт мажмуасида ўтказилди.

Оилавий мусобақалар ва "Ош фестивали"ни ўзААА Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Қ.Хайитбоев, бирлашган кўмита раиси З.Бобожонова, вилоят касаб-уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Б.Жуманиязовлар очиб бердилар.

Оилавий мусобақаларда ҳаммаси бўлиб олти корхонанинг тўққиз нафар оиласи фаол катнашди. Булар — "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали, "Матбуот таркатувчи" ШК, Ахборот-кутубхона маркази, Хоразм электромагнит мослашув хизмати ва ТАТУ Урганч филиалларидир. Мусобақалар жуда кизиқarli ва кўтаринки руҳда ўтди.

Мусобақалар якунига кўра, жамоалар қуйидаги ўринларни эгаллашди:

I ўрин: "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиалидан Мурод Рахимовлар ва Салима Жолдасбаевлар оиласи.

II ўрин: "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиалидан Полвон Янгибаевлар ва Хамза Рахимовлар оиласи;

III ўрин: Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалидан Бахтиёр Рахимовлар ва Хамид Хусановлар оиласи.

Оилавий мусобақалар совриндорларига дипломлар ҳамда ўзААА Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ва бирлашган кўмитанинг қимматбахо совғалари тақдим қилинди.

Оилавий мусобақалар билан бир вақтнинг ўзида ўтказилган Хоразм вилояти алоқа корхона ва ташкилотлари ўртасидаги "Ош фестивали" танловида саккизта корхона ва ташкилотдан ошпаз-


лар катнашди.

Энг юқори натижани "ЎзМобайл" Хоразм филиали ошпазлари Хасанбой Жабборов ва Икром Ҳожиниязов, 2-ўринни вилоят ахборот-кутубхона маркази ошпазлари Хосият Абдулаева ва Дурдона Рўзметова, 3-ўринни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали ошпазлари Каромат Матчанова ва Мухаббат Рахмоновлар эгаллашди.

Танлов совриндорлари кимматбахо совғалар билан тақдирланишди.

А.САЛАЕВ,
Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаб-уюшмаси кўмитаси спорт йўриқчиси

Фарғона



ТАТУ Фарғона филиалида вилоят алоқа корхоналари ходимлари ўртасида "Соғлом оила — жамият таянчи" шiori остидаги оилавий мусобақалар ва "Ош фестивали" меҳнат фахрийлари билан бўлган учрашувдан бошланди.

Мусобақалар гоётда қизғин кечди. Ўил болали оилавий жамоада "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали хисобчиси Дианахон Саидовлар оиласи биринчи ўринни, Фарғона почта алоқаси тармоғи хабарчиси Нафисахон Дадажоновна оиласи иккинчи ўринни, "Матбуот таркатувчи" шўба корхонаси Учкўприк туман бўлими бошлиғи Муқимжон Дехқоновлар оиласи учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Қиз болали оилавий жамоалар ўртасида эса биринчи ўринга "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 24-АТС пайвандловчиси Авазбек Қамчиевлар оиласи муяссар бўлди. Иккинчи ўрин "Алоқабанк" Фарғона филиали кассир-назоратчиси Муяссархон Қаримовлар оиласига, учинчи ўрин ТАТУ Фарғона филиали ўқув бўлими назори Азимжон Аҳмедовлар оиласига берилди.

"Ош фестивали" ҳам ниҳоятда кўнглили ўтказилди. Фестивалда қўли ширинликда ҳеч ким Қувасой почта алоқаси тармоғи ошпазларига етолмади. Шаҳарнинг Суфон алоқа бўлими вакиллари Аҳаджон Олимжонов ва Бахтиёр Фархутдиновлар ош тайёрлаш маҳоратини юксак даражада эгаллаганликлари маълум бўлди. Улар биринчи ўрин сохиблари бўлдилар. "Матбуот таркатувчи" вилоят шўба корхонаси бош хисобчиси Бахтиёржон Ҳамидов ва сараловчи Манзурахон Мадаминовлар иккинчи ўринга муносиб топилдилар. Учинчи ўрин эса "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Фарғона телекоммуникациялар боғламаси хайдовчиси Абдужаббор Тожибоев ҳамда таъминот бўлими ходими Уллубек Махмудовларга насиб этди.

Мусобақалар якунида меҳнат фахрийларига, томошабин талабаларга, мусобақа катнашчиларига бир-бирдан лаззатли ошлар тортилди. Голиблар вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-уюшмаси кўмитасининг дипломлари ва кимматбахо совғалари билан мукофотландилар.

Х.АСКАРОВА



Қашқадарё

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида Қашқадарё вилоят алоқа корхоналари ўртасида Мустаҳкам оила йилига бағишланган "Соғлом оила — жамият таянчи" шiori остидаги республика оилавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи ўтказилди.

Мусобақада корхона ва ташкилотлардан саралаш ва биринчи босқичда голибликни қўлга киритган оилавий жамоалар иштирок этди. Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-уюшмаси кўмитаси ҳамда касаб-уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Қашқадарё вилояти кенгаши мутахассислари оилавий жамоаларнинг спортнинг саккиз тури бўйича маҳоратларини баҳолаб бордилар.

Қашқадарё вилояти "Матбуот таркатувчи" ШКдан Маждидовлар (қиз фарзанди борлар ўртасида), "ЎзИ-Қарши" филиалидан Эшматовлар оиласи энг юқори балл тўплаб биринчи ўринни эгаллашди. "ЎзИ-Қарши" филиалидан Бердиевлар (ўғил фарзанди борлар), Қашқадарё вилояти "Матбуот таркатувчи" ШКдан Қувондовлар оиласи иккинчи, ТАТУ Қарши филиалидан Девонаевлар ва вилоят АКМдан Хўжамуродовлар оиласи учинчи ўринга лойиқ топилдилар.

"Ош фестивали" танлови ҳам ўтказилди. "Ош

фестивали" танловида Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали кафедра мудирини Эшпўлат Алиқулов томонидан тайёрланган "Шаҳрисабз палови" биринчи ўринга, "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг бош энергетиги Дўстмурод Ражабов томонидан тайёрланган "Ош-мисан, ош" палови иккинчи, Қашқадарё вилоят "Матбуот таркатувчи" ШК директори Тиркаш Очилов томонидан тайёрланган "Водий чойхона палови" учинчи ўринга лойиқ топилди. Вилоят АКМнинг умумий бўлими мудирини Марзия Умарова томонидан тайёрланган "Қарши палови" "Энг манзур бўлган ош" номинациясига сазовор бўлди.

Мусобақа иштирокчилари ҳамда томошабинлар ўртасида савол-жавоблар, викторина ўйинлари ўтказилди. Унда Қарши почта алоқаси тармоғи бошлиғи Нормурод Орзиқулов, "ЎзИ-Қарши" филиалининг техник директори Абдуқасим Дўстқобилов, "ЎзМобайл" филиалининг Қашқадарё вилоят бўлини маси бошлиғи Араббой Раззоқовлар викторина ўйинининг энг билимдонлари дея эътироф этилди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-уюшмаси кўмитаси раиси Қўчқор Қаримов томонидан голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар топширилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН!

2012 йил 5-6 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетининг Бўстонлик туманида жойлашган дам олиш масканда "Соғлом оила — жамият таянчи" республика алоқа ходимлари ўртасидаги оилавий мусобақалар ва "Ош фестивали"нинг Тошкент шаҳри босқичи ўтказилди.

Тадбир дастури:

- 4 май (жума): 15.00дан бошлаб иштирокчиларни жойлаштириш;
- 5 май (шанба): 9.00 — Оилавий мусобақаларнинг бошланиши;
- 6 май (якшанба): 8.00 — "Ош фестивали"нинг бошланиши;
- 6 май (якшанба): 12.00 — Голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими.

Ташкили кўмита

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-уюшмаси кўмитаси жамоалари Шофирдон туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Намоз ЖАЛИЛОВни 55 ёши билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фурқат телекоммуникациялар боғламаси ходими Хасанжон Юлдашев ҳамда Риштон телекоммуникациялар боғламаси ходими Абдурахим МИРЗАРАХИМОВни 55 ёши билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришлигини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Олтиариқ почта алоқаси тармоғи ходимлари Мўминжон НЕГМАТОВни 55 баҳорини, Ўқтамжон КАРИМОВни 50 баҳорини, Риштон почта алоқаси тармоғи ходимлари Набжон ИСАЕВни 60 баҳорини, Раънохон СУЛТОНОВАни 50 баҳорини, Данғара тумани почта алоқаси тармоғи ходими Азимжон ИZZАТУЛЛАЕВни 55 баҳорини қарши олаётганлари билан самимий табриклайди. Уларга энг яхши тилакларини йўллайди.



"Ўзбектелеком" АК жамоаси

*Барча ҳамкасбларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан қизгин қутлайди.*



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХУҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета
хафтанинг
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-552 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 16503 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда	Бухорода	Гулестонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-91-56	314-08-99